

Сафо ва марва орасида саъй қилиш масалалари

18:49 / 22.04.2017 13784

Албатта Сафо ва Марва (иккови) Аллоҳнинг нишонларидан. Шунинг учун қайси одам ҳаж ёки умра қилса, унга Сафо ва Марва орасида саъй қилишда бирор ҳараж (гуноҳ) йўқ.

Сафо ва Марва масжиди Ҳаромга муттасил (ёпишган) икки кичик-кичик тоғлардир. Исмоил алайҳиссаломни оналари Ҳожар розияллоҳу анҳо Замзам қудуғи ўрнига қўйиб сув излаш мақсадида бу икки тоққа чиққанлар ва улар орасида етти маротаба бориб келганлар. Еттинчи айланишдан кейин Марвага етиб келганда гўдаклари Исмоил алайҳиссалом ёткизиб қўйилган ердан овоз эшитилди. Келиб кўрсаларки, Аллоҳ таоло ўз фазли билан замзам булоғини оқизибди. Аллоҳ таолога Ҳожар онамизнинг икки тоғ орасида паришон ҳолда сув излаб югуришлари яхши кўринганлигидан қиёматга қадар ҳожиларга у кишига ўхшаб Сафо ва Марва орасида саъй қилишни вожиб қилди.

Бу амал имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида вожибдир, фарз эмас.

("Муаллимул ҳужжож").

“Милайни ахзарайн” орасида ҳар айланада югуриш

Сафо ва Марва орасидаги икки яшил устун бор. Уни милайни ахзарайн дейлади. саъй қилувчи мазкур зангор устунга етганда олти газ олдиндан тез юради ва тез юришни иккинчи устундан кейин олти газгача давом эттиради. Жуда тез югурмаслик керак эмас, балки югуришга яқин қилиб тезроқ юриш суннатдир.

("Маносики Мулло Алий Қорий", "Фунятун носик", "Муаллимул ҳужжож")

Саъй чоғида талбия айтиш

Умра қилувчи учун ҳам, таматтуъ умрасини қилувчи учун ҳам саъй чоғида талбия айтиш манъ қилингандир. Чунки, умра ва таматтуъ умрасининг талбияси (саъйдан олдин) тавоф бошланган вақтда тўхтаган бўлиши лозим.

Ифрод ва қирон ҳажи қилувчи кишига тавофи қудум қилиш суннатдир. Агар улар тавофи қудумдан кейин (тавофи зиёратдан олдин) ҳаж саъйини ҳам қилиб олишни хоҳласалар, саъй чоғида талбия айтишлари нафақат жоиз, балки суннатдир. Худди шундай таматтуъ қилувчи ҳаж эҳромини боғлагач, Минога жўнашдан олдин ҳаж саъйини адо этиб олишни хоҳласа, у эҳром боғлагандан сўнг (саъйдан олдин) бир нафлий тавоф қилиши лозим бўлади. Бундай суратда унга ҳам тавоф ва саъй асносида талбия айтиш суннат бўлади. Чунки, мазкур кишиларнинг талбия айтиши Ақаба тошини отгунга қадар давом этади.

("Маносики Мулло Али Қорий", "Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

Аравада саъй қилиш

Бирор жиддий узрсиз аравада саъй қилган киши гуноҳкор бўлиши билан бирга жарима сифатида бир қурбонлик сўйиши ҳам лозим бўлади. Албатта, саъйни пиёда юриб қайта адо этса, ундан қурбонлик соқит бўлади. Лекин, жиддий узр сабабли аравада саъй қилган кишига ҳеч қандай жарима лозим эмас ва бундай қилиш унга бекароҳат жоиздир.

("Бадойиъус санойиъ", "ал-Баҳрур роиқ").

Саъйда ноиблик

Узрли кишининг аравада саъй қилиши жоиз, лекин унинг ўрнига (гарчи, узри жиддий бўлса ҳам) бошқа бировнинг ноиб (ўринбосар) бўлиб сайъ қилиши жоиз эмас, балки (аравада бўлса ҳам) ўзи саъй қилиши вожибдир. Агар аравада ҳам саъй қилишлик унга қаттиқ машаққат туғдирса, уни машаққат ва қийинчилик йўқ бўлгунга қадар кечиктириш мумкин.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож")

Тавофдан сўнг саъйни кечиктириш

Саъйни (тавофи зиёрат, соч олдириш, тош отиш ва қурбонлик сўйиш каби) ҳайит кунлари ичида адо этиш вожиб эмас. Балки, уни ҳайит кунлари ўтгандан кейин ҳам бажариш дурустдир. Шунинг учун ҳожи бирор узр ёки чарчоқни кетказиш учун дам олмоқчи бўлса, сайъни хоҳлаган кунигача кечиктириши мумкин. Уни кечиктириш сабабли бирор жарима вожиб бўлмайди. Лекин шарт шуки, тавоф ва саъй орасида ҳажнинг бошқа бирор рукни адо қилинмаслиги керак. Агар бошқа рукн адо қилинса, ҳожига саъйдан олдин яна бир тавоф қилиш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Саъй айланалари орасини узиш

Саъйнинг етти айланасини кетма-кет қилиш суннатдир, вожиб эмас. Шунинг учун хожи саъйнинг бир неча айланасини юргандан сўнг қолган айланаларни кейинроқ адо этиш ниятида тўхтатиб, сўнг имкон топганда уларни мукамал қилса, унинг саъйи дуруст деб ҳисобланади ва унга бирор жарима лозим бўлмайди. Яна, агар бир кунда бир айлана, етти кунда етти айланани адо қилса ҳам саъйи дуруст бўлади. Бироқ, узрсиз бундай қилиш суннатга хилофди.

("Ғунятун носик").

Тартибсиз адо этилган саъй учун қурбонлик қилиш

Агар киши саъйни Марвадан бошлаб Сафода тугатса (ваҳоланки, бунинг акси бўлиши керак эди) ёки аввалги уч айланани Сафодан бошлаб адо этгач, бир оз дам олиб, сўнг қолган тўрт айланани Марвадан бошлаш ўрнига Сафодан бошласа ва натижада етти айлана Сафога боргач мукамал бўлса (ҳолбуки, еттинчи айлана Марвада тугаши лозим эди), унга саъйнинг ҳаммаси ёки аксарини тартибсиз адо этгани боис қурбонлик вожиб бўлади.

Агар тўрт айланани тартиб билан бажаргандан сўнг қолган уч айланани бир оз вақт тўхтатиб қўйса ва уни Сафодан бошлаш ўрнига Марвадан бошласа ва етти айлана Сафога боргач мукамал бўлса, бетартиб қилинган бу уч айлананинг ҳар бири эвазига биттадан садақа (ярим соъ буғдой) бериш лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Саъйни Марвадан бошлашнинг ботиллиги

Саъйни Сафодан бошлаш вожибдир. Шунинг учун, агар саъй Марвадан бошланса, аввалги айлана ботил бўлади ва сайъ иккинчи айланадан бошланди, деб ҳисобланади. Бу суратда етти айлана мукамал бўлиши учун саккиз айлана қилинади ва у Марвага бориб тугайди. Акс ҳолда бир айлана кам бўлгани сабабидан бир садақа ва тартибни бузганлиги учун эса бир қурбонлик вожиб бўлади.

Ҳар саъйдан олдин тавоф лозим

Ҳар саъйдан олдин бир тавофнинг бўлмоқлиги вожибдир. Агар киши тавофдан олдин, яъни тавоф қилмасадан саъй қилса, қилган саъйи мўътабар бўлмайди. Тавофдан сўнг уни қайтариб қилмоқ лозим.

(Ғунятун носик).

Саъйни тарк қилиб кетган киши

Агар киши ҳаж саъйини тарк қилиб, Мийқотдан ҳам ташқарига чиқиб кетса, сўнг саъй қилиш учун ортга қайтса, бунда Мийқотдан яна эҳром боғлаб келиши вожибдир. Агар умра эҳромини боғласа, аввал умра арконларини мукаммал қилиб эҳромдан чиқади. Ундан сўнг қолдирилган саъйни бажаради. Агар ҳаж эҳромини боғлаб келса, унда қолдирилган саъйни тавоф қудумдан кейин адо қилади. Бундай суратда тарк этилган саъй эвазига вожиб бўлган жонлиқ соқит бўлади.

(Ғунятун носик).

Саъй дуруст бўлиши учун ният ва уни кетма-кет қилиш шарт эмас

Саъй дуруст бўлиши учун ният ҳам, барча айланаларни кетма-кет қилиш ҳам шарт ёки вожиб эмас. Балки, бу иккови суннатдир. Шу сабабли узрсиз ният ҳамда кетма-кет сайъ қилишни тарк этмоқ суннатга хилоф бўлгани учун макруҳдир. Жонлиқ ёки бошқа бирор каффорат лозим бўлмайди. Агар узр сабабидан бундай қилинса, ҳатто макруҳ ҳам бўлмайди. Шунга биноан агар киши дўстлари билан Сафога бориб, саъйни ният қилмасдан улар билан бирга саъйнинг етти айланасини мукаммал бажарса, унинг саъйи дуруст деб ҳисобланади ва унга бирор каффорат ҳам лозим бўлмайди.

(Ғунятун носик).

Узр сабабли саъйни тарк қилиш

Агар бирор киши чўлоқлелик ёки шунга ўхшаш (Худо берган) бошқа бир узрга мубтало бўлса ва уни кўтариб саъй қилдирадиган одами ёки минадиган нарсаси бўлмагани туфайли (мажбурликдан) саъйни тарк қилса, унга бирор жарима ва каффорат лозим бўлмайди.

Ҳаж саъйидан олдин эҳром шартдир. Лекин эҳром боқий турмоқлиги шарт эмас

Умранинг мукаммал саъйини эҳром ҳолатида бажариш вожиб

Умра тавофи эҳром ҳолатида адо этилиши шартдир. У эҳромсиз дуруст бўлмайди. Ҳа албатта, умра саъйи учун эҳром ҳолати шарт эмас, балки, вожибдир. Шарт билан вожиб орасидаги фарқ шуки, шарт тарк этилса амал вужудга келмайди. Вожиб тарк этилганда эса (ноқис бўлса-да) амал вужудга келади. Лекин, жарима билан нуқсоннинг ўрни тўлдирилиши лозим бўлади. Масалан, намозда такбир таҳрима шартдир. Шунинг учун такбир таҳримасиз намоз вужудга келмайди. Саждаи саҳв билан унинг ўрнини тўлдириб ҳам бўлмайди. Ҳаж ва умрада ҳам эҳром шарт. Шунинг учун ҳаж ва умра эҳромсиз вужудга кела олмайди. Каффорат, қурбонлик ва бошқа нарсалар билан унинг ўрнини тўлдириб ҳам бўлмайди. Тўрт рақъатлик намозда аввалги қаъда вожибдир, шарт эмас. Шунинг учун саждаи саҳв билан унинг ўрнини тўлдириш мумкин.

Ҳудди шундай ҳаж ва умрада тарк этилган вожибнинг ўрни каффорат, қурбонлик ва бошқалар билан тўлдирилиши мумкин. Лекин шартнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Яна масаламизга қайтайлик. Умра тавофи учун эҳром шартдир, лекин умра саъйи учун эҳром шарт эмас, балки, вожиб деб айтилди. Яна умра саъйининг охиригача эҳромнинг боқий туриши вожибдир. Шунинг учун агар киши умранинг мукамал ёки аксар тавофини эҳром ҳолатида адо қилганидан сўнг саъйининг ҳаммаси ёки аксарини эҳромсиз адо қилса, яъни сайъининг бир икки айланасидан кейин сочи олдириб, қолган айланаларни эҳромсиз бажарса, вожибни тарк қилгани сабабли зиммасига бир қурбонлик лозим бўлади. Агар аксар айланани эҳром ҳолатида адо қилгандан кейин сочи олдириб, эҳромдан чиқиб, ундан кейин камроқ айланани адо қилса, ҳар айлана эвазига бир садақа бермоқ лозим бўлади. Негаки, саъйни мукамал эҳром ҳолатида адо қилиш вожибдир. Саъйининг озроқ айланасини тарк қилиш сабабли ҳар айлана эвазига бир садақа вожиб бўлганидек уни эҳромсиз адо этиш сабабидан ҳам садақа вожиб бўлади, қурбонлик эмас.

("Ғунятун носик").

Саъйнинг шартлари бир боқишда

Ҳазрат аллома Ҳасаншоҳ раҳматуллоҳи алайҳ "Ғунятун носик" да саъйнинг олтита шартини зикр қиладилар. Муфти Саъид Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ уларни "Муъаллимун ҳужжож" да нақл қиладилар. Шу шартларни бу ерда ҳам мухтасар қилиб келтириш фойдадан холий эмас. Ҳудди шундай Мулло Али Қорий раҳматуллоҳи алайҳ "Маносик" да ва "Ғуня" соҳиби саъйнинг вожиблари, суннатлари ва мустаҳаблари, мубоҳлари ва макруҳларини алоҳида-алоҳида сарлавҳалар остида келтирадилар. Бу хокисор, яъни мен

ҳам шуларни мазкур китоблардан истифода этган ҳолда нақл қиламан. Умидим борки ўқувчиларга бундан фойда етади.

Саъйнинг шартлари

1. Ўзи саъй қилмоқлиги. (Хоҳ аравада бўлсин, хоҳ бирор киши кўтариб сайъ қилдирсин). Шунинг учун саъйда ноиблик, ўринбосарлик жоиз эмас.
2. Сафодан бошламоқ ва Марвада тугатмоқ. Шунинг учун Марвадан бошлаш жоиз эмас. Агар Марвадан бошланса аввалги айлана бекор бўлади, яъни эътиборга олинмайди.
3. Саъйнинг аксар айланасини (тўрт ёки ундан кўпроғини) мукамал қилмоқ. Акс ҳолда сайъ муътабар бўлмайди.
4. Саъйдан олдин ҳаж ёки умра эҳроми бўлмоғи. Акс ҳолда саъй дуруст бўлмайди.
5. Саъйдан олдин энг ками тавофнинг аксар айланаси адо этилган бўлиши. Шунинг учун тавофнинг тўрт айланасидан олдин саъй дуруст бўлмайди.
6. Ҳажнинг саъйи ҳаж ойларида, яъни шаввол, зулқаъда ҳамда зулҳижжанинг аввалги ўн кунида бўлмоқлиги. Умра саъйи учун бирор вақт шарт қилинган эмас.